

## ТУРЛИ ЗОТЛАРГА МАНСУБ БЎЛГАН ХАЙВОНЛАРНИНГ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Наметов А.Л., Кеунимжаева М, Таубаева Ш, Аминов И.**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

**Аннотация.** Мақолада, ўзининг экологик ҳолати, иқлим шароити билан бошқа худудлардан кескин фарқ қилган, Қорақолпоғистон республикаси шароитида қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлигига бевосита таъсир қиладиган айрим биологик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар.** *Генотип, озуқа, маҳсулдорлик, клиник ва гематологик кўрсаткичлар.*

**Кириш.** Қорақолпоғистон республикасининг иқлим шароити кескин ўзгарувчанлиги билан ҳарактерланади. Ёз ойларида иқлими жуда иссиқ ва қуёш радиацияси кучли, кишда эса айрим кунлари ўта совуқ ва намгарчилик юқори даражада бўлади. Бу эса юмшоқ иқлим шароитда урчитилиб келган симментал зотли қорамоллар организмга салбий таъсир этиши, энг асосийси уларни янги экологик шароитда мослашиш жараёни мукамаллаштириб маҳсулдорлигини камайтириши мумкин.

**Олинган натижалар ва уларни таҳлили.** Турли генотипга мансуб бўлган хайвонларнинг маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқликда бўлган кўрсаткичлардан бири уларнинг айрим биологик хусусиятлари ҳисобланади. Бунда хайвонларнинг йилнинг фасллари кесимидаги клиник кўрсаткичлари муҳим ўрин тутди. Шунинг эътиборга олиб, биз тажриба гуруҳларидаги хайвонларни клиник кўрсаткичларини ўрганиб, қуйидаги 1-жадвалда ҳавола этдик.

1-жадвал маълумотларининг таҳлили шунинг кўрсатгани, йилнинг фасллари ва хайвонларнинг генетик келиб чиқишидан қатъий назар уларнинг клиник кўрсаткичлари асосан физиологик меъёр даражасида бўлган.

Баҳорда, яъни тажрибанинг 12 ойлигида симментал зотига мансуб буқачаларда, юрак уриши бир дақиқада 65,4 марта қайд қилинган бўлса, бу кўрсаткич қора-ола зотли урғочи ва эркак бузоқларида ҳамда симментал зотининг урғочи бузоқларида тегишли равишда: 64,9, 65,3 ва 65,2 мартани ташкил этган.

Ёзда, хайвонларнинг 15 ойлигида симментал зотли буқачаларида бу кўрсаткич 1 дақиқада 66,9 марта бўлган. Бу эса ўз тенгқурлари, қора-ола зотли урғочи ва эркак бузоқлар ҳамда симментал зотининг урғочи бузоқларидан тегишли равишда: 0,7, 0,3 ва 0,6 марта кам бўлган. Бу фарқ куз ва қиш ойларида, яъни 18 ва 21 ойлик буқачаларда мутаносиб равишда: 1,2, 0,8, 0,1 ва 1,1, 0,2, 0,1 мартани ташкил этган.

**1-жадвал**

## Тажриба гуруҳидаги хайвонларнинг клиник кўрсаткичлари, ( $X \pm S_x$ )

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар (n=5)			
	I	II	III	IV
	♀	♂	♀	♂
Баҳорда (март)				
Тана ҳарорати °C	38,1±0,09	38,2±0,07	38,4±0,07	38,2±0,07
Юрак уруши (1 дақиқада)	64,9±0,32	65,3±0,25	65,2±0,3	65,4±0,2
Нафас олиши (1 дақиқада)	26,2±0,25	26,3±0,28	26,0±0,21	26,2±0,25
Ёзда (июль)				
Тана ҳарорати °C	38,4±0,25	38,3±0,41	38,2±0,3	38,1±0,05
Юрак уруши (1 дақиқада)	66,2±0,2	67,2±0,15	66,3±0,3	66,9±0,15
Нафас олиши (1 дақиқада)	27,4±0,01	27,6±0,18	27,7±0,15	27,6±0,18
Кузда (октябрь)				
Тана ҳарорати °C	38,2±0,15	38,1±0,07	38,3±0,13	38,2±0,15
Юрак уруши (1 дақиқада)	64,0±0,16	64,4±0,25	65,1±0,22	65,2±0,22
Нафас олиши (1 дақиқада)	26,3±0,18	26,4±0,15	26,6±0,20	26,4±0,15
Қишда (январь)				
Тана ҳарорати °C	38,1±0,09	38,0±0,07	38,1±0,07	38,0±0,07
Юрак уруши (1 дақиқада)	62,9±0,19	63,8±0,33	63,9±0,31	64,0±0,16
Нафас олиши (1 дақиқада)	24,9±0,12	25,1±0,19	25,6±0,14	25,7±0,14

Тажриба гуруҳидаги буқачаларда ёз фаслида юрак уриши ва нафас олиши куз ва қиш фаслига нисбатан биров юқори бўлган. Бу ёзнинг иссиқ ҳарорати таъсирида тажрибадаги хайвонлар организмида юрак-қон томир системаси жадал фаолият кўрсатиб, модда алмашилиш жараёнини жадаллашганлигидан далолат беради.

Тажриба гуруҳларидаги хайвонларнинг қонининг морфологик кўрсаткичларини ўрганиб, олинган натижаларни қуйидаги 2-жадвалда келтирдик.

### 2-жадвал

#### Тажриба гуруҳидаги хайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичларини йил фасллари кесимида ўзгариши, ( $X \pm S_x$ )

Гуруҳлар, (n=5)	Эритроцитлар, млн/м <sup>3</sup>		Лейкоцитлар, минг м <sup>3</sup>		Гемоглобин, г/%	
	( $X \pm S_x$ )	Cv,%	( $X \pm S_x$ )	Cv,%	( $X \pm S_x$ )	Cv,%
Баҳорда (март)						
I ♀	6,84±0,02	0,58	7,85±0,02	0,42	11,04±0,013	0,22
II ♂	6,93±0,002	0,07	8,04±0,012	0,29	11,26±0,018	0,31
III ♀	7,03±0,012	0,35	8,11±0,012	0,54	11,33±0,014	0,24
IV ♂	7,07±0,013	0,35	8,22±0,021	0,50	11,41±0,008	0,14
Ёзда (июль)						
I ♀	7,18±0,002	0,07	8,24±0,008	0,19	11,51±0,011	0,19
II ♂	7,21±0,014	0,40	8,35±0,015	0,35	11,66±0,008	0,14
III ♀	7,22±0,018	0,48	8,40±0,012	0,30	11,72±0,011	0,19
IV ♂	7,22±0,002	0,07	8,48±0,015	0,34	11,83±0,014	0,24
Кузда (октябрь)						
I ♀	7,03±0,012	0,34	7,90±0,012	0,29	11,07±0,020	0,35

II ♂	7,10±0,013	0,35	8,14±0,013	0,31	11,19±0,008	0,14
III ♀	7,13±0,014	0,39	8,25±0,008	0,19	11,31±0,014	0,25
IV ♂	7,11±0,013	0,35	8,30±0,018	0,42	11,46±0,013	0,22
Қишда (январь)						
I ♀	6,66±0,018	0,54	7,98±0,017	0,41	11,14±0,014	0,25
II ♂	6,75±0,018	0,52	8,20±0,01	0,24	11,42±0,013	0,22
III ♀	6,82±0,012	0,33	8,37±0,02	0,42	11,49±0,017	0,29
IV ♂	6,91±0,011	0,32	8,35±0,013	0,30	11,57±0,013	0,22

2-жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатганки, тажрибадаги, IV-гуруҳ хайвонлари қони таркибидаги эритроцитлар миқдори ёз фаслида, қиш фаслига нисбатан юқори бўлган яъни ёзда 7,22 млн/м<sup>3</sup>, қолган I, II ва III-гуруҳлардаги хайвонларда тегишлича бу кўрсаткич тегишлича: 7,22, 7,21 ва 7,18 млн/м<sup>3</sup> ни ташкил қилган. Йилнинг барча фаслларида тажрибамаиздаги, III-IV-гуруҳ хайвонларининг қони керакли элементлар билан, I ва II гуруҳлардаги тенгқурларига қараганда тўйинганлигини кўрсатган. Лейкоцитлар ва гемоглобин миқдори бўйича ҳам, III-IV-гуруҳ хайвонлари ўз тенгқурларидан устун бўлишган.

**Хулоса.** Шундай қилиб, тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари асосан физиологик меъёр даражасида бўлган. Аммо, йилнинг ёз фаслида қиш фаслига қараганда, ҳар иккала белгининг кўрсаткичлари юқори бўлган. Бунда, III ва IV гуруҳлардаги хайвонлар ўз тенгқурлари, I ва II гуруҳлардаги хайвонлардан устиворлик қилган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Востроилов А.В., и др. Влияние уровня кормления на результаты совершенствования симментальского скота // Зоотехния. 2005. №5. С. 4-6.
2. Заикин А., Сельцов В. Биологически активные вещества в рационе симментальских бычков // Молочное и мясное скотоводство. 2000. №6. С. 13-14.
3. Карпова О., Анисимова Е. Адаптивный подход к использованию симменталов в поволжье // Молочное и мясное скотоводство. 2005. №1. С. 17-18.
4. Кахаров А., Хўжамов Ж, Нарбаева М. Голштин ва голштинлаштирилган сигирларнинг айрим физиологик кўрсаткичлари. Халқаро конференция материаллар тўплами. Самарқанд 2016. 321-324 б.
5. Носиров.У.Н ва бошқалар Флекфих симментал зотли молларни иқлимланиш, наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятлари. Шахсий ёрдамчи ва дехқончилик хўжаликлари чорвачилигини модернизациялаш истиқболлари. Ташкент 2015. 162-183 б.
6. Юдин М. Этологическая характеристика молодняка симментальской породы // Молочное и мясное скотоводство. 2002. №1. С. 36-39.